



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№51 (1004)

2026 йил 10 июль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан,
ягона халқ
бўлиб,
янги ҳаёт
ва келажақ
яратамиз!



▲ Сергели тумани замонавий қиёфа касб этмоқда.

Сергелидаги бугунги ўзгаришлар

аҳоли кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда

▼ Пресс-тур иштирокчилари "Вазиятлар маркази" да.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Сергели туманига пресс-тур ташкил қилинди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Дарҳақиқат, замонавий шаҳар инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилган дастурларни рўйбга чиқариш ҳамда аҳоли учун хавфсиз ва қулай муҳит яратиш, рақамлаштириш каби соҳалар бўйича Сергели туманида амалга оширилаётган ишлар республикада омалаштирилаётгани бежиз эмас. Чунки кейинги икки йил оралиғида ишлаб чиқилган режага биноан, туман ҳудудида жойлашган 46 та маҳаллада кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кўп қаватли уйлarning фасад қисми ҳамда ертўралари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратилди.

2 →

Лойиҳа ташкилотлари фаолиятидаги долзарб масалалар

▼ Лойиҳа ташкилотлари фаолияти таҳлил марказида.



Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида вилоят ҳокимининг ўринбосари Наврўз Раҳмонов ҳамда бошқарма бошлиғи Баҳодир Негматов иштирокида вилоятда фаолият юритаётган лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари ва масъуллари билан йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда қурилиш соҳасида ишлаб чиқи-лаётган лойиҳа ҳужжатларининг сифатини янада ошириш, уларни амалдаги шаҳарсозлик норма ва қоидалари, қурилиш меъёрлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаб-рига қатъий риоя этган ҳолда тайёрлаш маса-

лалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, ҳар бир лойиҳа ҳужжати келгусида бунёд эти-ладиган объектнинг сифати, мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини белгилловчи муҳим омил ҳисоб-ланади. Шу боис, лойиҳалаш жараёнида ҳар бир ечим пухта ўрганилган, амалдаги меъёрий талабларга тўлиқ мос ва сифатли ишлаб чиқи-лиши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Шунинг-дек, лойиҳа ташкилотлари фаолияти давомида учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда соҳа-ни янада такомиллаштиришга доир таклифлар тингланиб, уларнинг ечими юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Йиғилиш якунида лойиҳа ташкилотлари зиммасидаги масъулиятни янада ошириш, қу-рилиш объектларида муаллифлик назорати-ни белгиланган тартибда олиб бориш, лойиҳа ҳужжатларини белгиланган тартиб ва меъёрлар асосида сифатли ишлаб чиқиш, камчиликларни кескин камайтириш ҳамда шаҳарсозлик норма талабларини бузилишига йўл қўймаслик бўйи-ча аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Жалол Арашов Андижон, Бухоро ва Жиззах вилоятларида фаолият юритаётган қурилиш ҳамда уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси тадбиркорлари билан онлайн мулоқот ўтказди.

Тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқот ўтказилди

Тадбиркорлар билан мулоқот қиёғини ўтказди.



Мулоқотдан қўзланган асосий мақсад – тад-биркорларни қийнаётган масалаларни бевоси-та эшитиш, уларнинг таклифларини ўрганиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

– Ушбу мулоқотлар тадбиркорлар учун ҳам, вазирлик учун ҳам манфаатли бўлиши керак, – деди вазир ўринбосари. – Бизнинг асосий ва-зифамиз тадбиркорларни эшитиш, уларнинг фаолиятида учраётган муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш ва соҳага оид таклифларни амали-ётта татбиқ этишдир.

Мулоқот давомида тадбиркорлар томонидан қатор масалалар ва таклифлар илгари сурилди. Жумладан, давлат харидлари тизимини яна-да такомиллаштириш, қурилишда нархларни шакллантириш, лойиҳалаш ва экспертиза жа-



раёнлари, малакали кадрлар тайёрлаш, бошқа-рув сервис компаниялари фаолиятига инно-вацион ечимларни жорий этиш, айрим рухсат бериш ва келишиш тартиб-таомилларини амалиётда қўллаш билан боғлиқ масалалар юзаси-дан таклиф ва мурожаатлар билдирилди.

Шунингдек, ҳудудларда амалга оширилаёт-ган қурилиш лойиҳалари, муҳандислик-ком-муникация тармоқларига улашиш, кўчмас мулк объектларини расмийлаштириш ҳамда амал-даги тартибларни қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар ҳам муҳокама қилинди. Билдирил-ган барча мурожаатлар белгиланган тартибда қўриб чиқирилиши, асосли таклифлар юзасидан тегишли чоралар қўрилиши бўйича масъуллар-га топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз.

Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи янги бинода иш бошлайди

Сўнгги кунларда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейида олиб борилаётган ишлар юзасидан ижтимоий тармоқларда турли хабарлар ва муҳокамалар тарқалмоқда. Айрим маълумотлар нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган талқинларда ёритилаётгани жамоатчилик орасида турлича муносабат ва асоссиз хавотирларни келтириб чиқармоқда.

Шу муносабат билан Фанлар академияси Ахборот хизмати барча жараёнлар белгилан-ган тартиб ва меъёрий ҳужжатлар асосида таш-кил этилаётгани ҳамда ортиқча хавотирга ҳеч қандай асос йўқлиги ҳақида маълумот берди. Таъкидланганидек, музейда амалга оширила-ётган ишлар унинг фаолиятини тўхтатиш ёки маданий меросга зарар етказишга эмас, акс-инчча, ноёб қўлёзмалар, архив материаллари

ва бошқа музей бойликларини янада ишонч-ли шароитда сақлаш, уларни рақамлаштириш ҳамда келажақ авлодларга беэиён етказишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-масининг 2026 йил 20 майдаги 234-Ф-сонли фармойиши доирасида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейидаги нодир манбалар-ни асраб-авайлаш, уларни келажақ авлодга беэиён етказиш ҳамда музей фондидан ўрин олган ноёб асар ва экспонатларни рақам-лаштириш мақсадида, Алишер Навоий номи-даги давлат Адабиёт музейи учун Янги Тош-кент шаҳрида бунёд этилаётган янги бино ишга тушгунга қадар:

- музей фондидаги қўлёзма ва тошбосма манбалар, шунингдек, "Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архиви" фонди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига;

- музейнинг бошқа экспонатлари эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Антропология институтига вақтинчалик сақлаш учун кўчириб ўтказилмоқда.

Бу ишларнинг асосий мақсади – янги музей биноси фойдаланишга топширилгунга қадар бебаҳо маданий меросимизни замонавий ва муносиб шароитларда сақлаш, унинг бутлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кейинча-лик Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг янги биносига тўлиқ кўчиришдан иборат.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

2026 йилнинг 9 июнь куни белгиланган меъёрий талаблар асосида музейнинг масъул ходимлари томонидан бу ерда сақланаётган 847 (саккиз юз қирқ етти) дона нодир қўлёзма манбалар Ислон цивилизацияси марказининг махсус сақлаш хоналарига кўчирилиб жой-лаштирилди. Айни пайтда қўлёзмаларни муҳо-фаза қилиш ва вақтинча сақлаш тартибига оид зарур ҳужжатлар расмийлаштириш босқичида турибди.

Ҳозирги вақтда музей томошабинлар ва тадқиқотчилар учун вақтинча ёпилган бўлса-да, муассаса ходимлари ўз хизмат вазифалари-ни тўлиқ бажармоқда. Айни пайтга қадар 1 491 дона тошбосма манба, 439 та папкадаги фо-то-нуска, 145 та папкадаги плёнка ва негатив-лар, шунингдек, 1 416 512 та ҳужжати ўз ичига олган "Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архиви" фонди бирламчи хатловдан ўтказилди. Ҳозирда музей экспонатларини бирламчи хат-ловдан ўтказиш ишлари изчил давом этмоқда.

Мазкур ишлар музей фаолиятини такомил-лаштириш, унинг моддий-техник базасини ях-шилаш ва маданий мерос объектларини янада ишончи муҳофаза қилишга қаратилган. Бар-ча жараёнлар қонунчилик талаблари асоси-да, масъул мутахассислар иштирокида амалга оширилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Асосий мезон – аниқ натижа

Курилиш соҳаси мамлакат тараққийотининг кўзгуси. Янги уйлар, замонавий мактаблар, шифохоналар ва ишлаб чиқариш корхоналари айнан шу тармоқнинг самарали ишлашига боғлиқ. Бугун бу соҳада яна бир муҳим қадам ташланди.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Президентимизнинг "Курилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони курилиш тизимида мутлақо янги ёндошувни бошлаб бермоқда. Авваллари курилиш жараёнида турли рухсатномалар, келишувлар ва ҳужжатлар учун вақт сарфланар, тадбиркор ва фуқаролар бир неча идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлар эди. Энди эса асосий эътибор ҳужжатлар сонига эмас, балки амалий натижага қаратилади.

Фармонга мувофиқ, соҳада рақамлаштириш жараёнлари янада кенгайтирилади, давлат хизматларининг катта қисми электрон шаклга ўтказилади. Бу эса ортиқча оворатарчиликларни камайтириш инсон омилини қисқартириш ва хизматлардан фойдаланишни анча енгиллаштиришга хизмат қилади. Соҳага рақамлаштириш кириб келганидан кейин назорат тадбирлари ҳам бирмунча енгиллашди. Курилиш майдонида нималар бўлаётганини билиш учун энди объектка бориш шарт эмас. Замонавий технологиялар туфайли курилиш соҳасида назоратнинг янги босқичи бошланди. Онлайн мониторинг ишга туширилди. Энди қурилаётган объектлардаги жараёнлар рақамли платформалар орқали кузатиб борилади. Лойиҳадан тортиб курилиш ишларининг боришигача бўлган маълумотлар ағона электрон тизимда жамланиб мутасадди ташкилотлар томонидан масофадан туриб назорат қилинади. Бу эса вақтни тежаш, инсон омилини камайтириш ва энг муҳими курилиш ишларининг шаффофлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Бугунги кунда курилиш объектларини онлайн кузатиш марказларида 352 та янги объектлар интеграция қилиниб, 714 тадан ортиқ кузатув камералари ўрнатилди, – деди Самарқанд вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мухассиси Вазира Бектамишева. – Кузатув камералари доимий онлайн маркази томонидан назоратга олинган. Инспекторларимиз бир кунда 2-3 та объектларни назорат қилаётган бўлса, онлайн марказ орқали улар бир кунда реал вақтда 6-7 та объектни назорат қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Онлайн марказ томонидан инспекторларимизга тегишли бўлган объектлардаги камчиликлар етказиб турилади. Бу орқали инспекторнинг вақти тежалди. Онлайн марказда аниқланган камчиликлар инспекторларга узатилади ва улар бартараф қилинади.

Айтиш керакки, аввал айрим камчиликлар фақат объектка чиққандагина аниқланган бўлса, эндиликда уларни онлайн бартараф этиш чоралари қўрилади. Рақамли назорат қўрилиш сифатини ошириш техник меъёрларга риоя этилишини таъминлаш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Шу билан бирга курилиш жараёнларининг ҳар бир босқичи электрон тарзда қайд этилиши масъулиятни янада оширади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган рақамлаштириш сисёати курилиш соҳасида ҳам ўз самарасини бермоқда. Эндиликда ҳар бир қурилиш объекти фақат майдонда эмас, балки рақамли маконда ҳам назорат остида. Замонавий қурилиш бу нафақат темир-бетон балки, аниқ ҳисоб-китоб, шаффоф бошқарув ва рақамли назорат демакдир. Онлайн назорат эса соҳада сифат ва ишончли таъминлашнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Натижага асосланган бошқарув тизими ҳар бир лойиҳанинг самарадорлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш имконини беради. Энди қурилган объектнинг сифати муддатларига риоя этилиши ва аҳоли учун яратилаётган қулайликлар асосий кўрсаткич сифатида баҳоланади. Янги тартиблар орқали қурилиш соҳасида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда ин-

весторлар учун янада жозибали муҳит яратиш кўзда тутилган. Бу эса иқтисодийётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қурилиш соҳасининг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Курилиш объектларига ўрнатилган камералар орқали аниқланган камчиликлар юзасидан ёзма кўрсатмалар бериб бориш имконини бермоқда. Бундан 4-5 йиллар аввал ёзма кўрсатмалар инспекторлар томонидан қоғоз вариантда берилиб, инспекция улар асосида пудрат ташкилотларига тегишли интизомий жавобгарлик тўғрисида қарор чиқарарди. Ўз навбатида, пудратчи ҳам эшикма эшик сарсон бўлиб юриб, чиқарилган қарор варақасига имзо қўйиши керак эди. Бугунги кунда юртбошимиз томонидан берилаётган топшириқлар асосида бу оворатарчиликка чек қўйилиб, жараённинг барчаси рақамлаштирилди.

Авваллари қурилишни рўйхатдан ўтказиш учун керакли ҳужжатларни йиғиб, барча жамланган ҳужжатлар ариза билан инспекцияга олиб келиниб топшириларди. Вазирлар Маҳкамасининг 200-қарори 5-бандига асосан, эндиликда MyGov.uz тизими орқали ариза юборилади ва уларни СИ автоматик тарзда кўриб чиқади ҳамда асосланган жавоблар берилади.

Тадбиркор учун вақт ҳам маблағ ҳам энг қиммат ресурс ҳисобланади. Айниқса, янги қурилиш лойиҳасини баҳолаш жараёнида турли рухсатномалар ва ташкилий ишлар қўшимча харажатларни кел-

тириб чиқарарди. Энди эса бу борада муҳим янгиллик амалга оширилмоқда. Қурилиш соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар доирасида қурилишга рухсат олиш жараёнлари соддалаштирилиб, тадбиркорларнинг харажатларини икки баробаргача қисқартириш чоралари белгиланмоқда. Бу эса соҳада ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилади. Янги тартиблар асосида ортиқча бюрократик босқичлар қисқартирилиб, давлат хизматлари рақамли форматга ўтказилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркор ва назорат инспекцияси ўртасида тузилган шартнома асосида қурилиш синов лабораторияси ходимлари қурилиш майдонида келган ҳолда бино мустаҳкамлиги белгиланган талаблар асосида қурилганини мониторинг қилиб боради. Пойдевордан бошланган мониторинг жараёнлари бино қурилиб, аяқлангунга қадар давом эттирилади. Бу эса қурилиш жараёнларининг сифатли боришида муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борилаётган ишлар натижасида тадбиркорлар турли идораларга қатнаб вақт сарфламайди. Ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш ва натижаларни онлайн олиш имкониятига эга бўлади. Янги қабул қилинган фармон асосида рухсат бериш жараёнларининг оптималлаштирилиши қурилиш ишларини тезроқ бошлаш, лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш ва қўшимча молиявий юкларларни камайтириш имконини беради. Бу эса янги иш ўринларини яратилиши ва иқтисодий фаолликнинг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Энг муҳими, мазкур ўзгаришлар қурилиш соҳасида очиклик ва шаффофликни таъминлашга, инсон омилни камайтиришга ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Кўп қаватли уйлардаги биргина деворнинг бузилиши бутун бинога таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим чора белгиланмоқда. Эндиликда эксплуатация муддати 50 йилдан ошган кўп квартирали уйларда қайта режалаштириш ишларини амалга ошириш таъйиқланади. Мазкур тартиб, аввало, биноларнинг техник ҳолатини аниқлаш, фуқаролар ҳаёти ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий этилмоқда. Маълумки, йиллар давомида деворларнинг конструктив элементлари маълум даражада эскиради. Бундай шароитда хонадонларда ўзбошимчалик билан деворларни бузиш, хонадонларни кенгайтириш ёки конструкцияларига ўзгартириш киритиш бинолардаги мустаҳкамликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Президентимизнинг 2026 йил 4 июндаги фармонида кўра, кўп квартирали уй-жойлар бораида ҳам катта ўзгаришлар белгиланган, – деди Самарқанд вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Фуркат Қозокбоев. – Жумладан, эксплуатацион муддати 50 йилдан ошган уй-жойларнинг реконструкция ишлари, таъмирлаш ишлари таъйиқланади. Кўп квартирали уй-жойларда мониторинг ишлари олиб борилганда, кўпгина уйларда таянч тўсиқ конструкциялари ўзбошимчалик билан бузиб ташлангани ҳолатлари кузатилди. Бундай ҳолатларга сабабчи бўлганларга тегишли тартибда чоралар қўрилиб, қонунбузилиш ҳолатларини мажбурий тартибда бартараф қилиш учун судларга даъво аризалари киритилди.

Янги талабларга кўра, уй-жойларнинг техник ҳолатини асраш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва аҳоли учун хавфсиз яшаш муҳитини таъминлаш кўзда тутилган. Қурилиш соҳасида бошланган бу ислохотлар нафақат бинолар ҳолатини тиклайди балки, бошқарув маданиятини ҳам янги босқичга олиб чиқади. Унда асосий мезон кўп ҳужжат эмас, аниқ натижа.



Сергелидаги бугунги ўзгаришлар аҳоли кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда



Пресс-тур иштирокчиларининг дастлабки манзили – рақамлаштирилган Сергели автомобиль бозори бўлди. Айтиш жоизки, қисқа вақт оралиғида бозор ҳудудини рақамлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки энг ривожланган давлатларда ҳам қамдан-қам учрайди. Салкам 24 гектар майдонда жойлашган бозор тўлиқ таъмирдан чиқарилгандан сўнг, транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар сақланадиган объектлар учун замонавий бошқарув тизими яратилди.

Рақамлаштириш бўйича "CLICK" компанияси раҳбари маслаҳатчиси Акмал Маҳмудовнинг маълумот беришича, ушбу формат ишга

туширилгач, бозор инфратузилмаси ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари тубдан ўзгарди. Жумладан, ягона тизим жорий этилиб, 40 дан ортиқ ахборот-коммуникация воситаси 2 та серверга уланди. Эндиликда "Автобозор" дастури бозорга кирувчи-кикувчи машиналар, бўш ва банд жойлар, нотўғри парковка қилинган машиналарни онлайн назорат қилади. Шунингдек, аклили шлагбаумлар, камералар, нақд ва электрон тўловларни қабул қилувчи паркоматлар ҳам тизимга интеграция қилинган. Натижада, бозорга кириш вақти 2-3 дақиқадан 20 сонияга қисқарди, дарвозаларнинг ўтказувчанлиги 6 баробарга ошди. Автотураргоҳ сигими эса 32 фоизга кўпайди.

Навоий – Учқудуқ йўналишида янги поезд қатнови

Илк бора "Навоий – Учқудуқ-1 – Навоий" шахарлараро поезди қатнови йўлга қўйилди.



Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва аҳолига замонавий транспорт хизматларини тақдим этиш бораида кент қўламли ислохотлар изчил давом этмоқда. Бу жараёнда чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун қулай ва хавфсиз транспорт хизматларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Навоий – Учқудуқ-1 – Навоий" шахарлараро поезди қатнови ҳам ана шундай ислохотларнинг самарасидир. Янги қатнов аҳолининг вилоят марказидан Учқудуқ туманигача бўлган пунктларга бориб-келишини енгиллаштириш, сафарларни янада хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан қулай ташкил этишга хизмат қилади, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Абдували Бўриев.

Поезд ҳар ҳафтанинг душанба, chorshanба ва жума кунлари соат 05:30 да Навоий шахридан, 14:50 да эса "Учқудуқ-1" темир йўл вокзалидан харақатланади. Йўл давомийлиги 6,5 соатни ташкил этади.

▼ Сергели Автомобиль бозори рақамлаштирилди.

Муҳими, рақамлаштириш туфайли бозорга тушум даромади 28 миллиард сўмдан 31,3 миллиард сўмга ортишига шароит яратилди. Мазкур тизимни ҳаётга жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – барча жараёнларни инсон омил иштирокисиз амалга ошириш орқали яширин иқтисодга барҳам беришдан иборат.

Шундан сўнг, журналистлар ҳудуддаги "Ўзгарш" ва Ҳабибий номили маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўп қаватли уйларга туташ майдонларда бунёдкорлик соҳасида амалга оширилган ишлар, аҳолига яратилган қулайликлар билан танишдилар. Ҳар иккала маҳалла инфратузилмаси тубдан янгиланганига гувоҳ бўлишди.

Тошкент шахар ҳоқими ташаббуси билан инфратузилмани замон талабига мослаштириш юзасидан ҳудудда катта ишлар олиб борилади, – деди Сергели тумани ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Бекзод Иномбеков. – Аввало, ҳокимлик вазиятини барпо қошида "Вазиятлар маркази" ташкил қилиниди ва унга 200 квадрат метр жой ажратилиб, оптик толали алоқа кабеллари улангач, овоз тизимлари ўрнатилди. Натижада, 46 та маҳалла билан видеоконференция орқали алоқа ўрнатиш имкони яратилди. Шунингдек, тумандаги 25 та мактабдан 7 таси "Smart base" тизими орқали интеграция қилишга тайёрланди. 17 та давлат ахборот тизими билан эса ҳудуддаги вазиятни реал вақт режимида кузатиш, муаммоларни тезкор аниқлаш ва аҳоли билан ишлаш самарадорлиги янада ошди. Барча ҳудудлар кўкаламзорлаштирилиб, замонавий болалар ўйингоҳи барпо этилди. Республикамида илк бор автобекат ёнида катталар ва болаларга мўлжалланган спорт майдончаси ташкил этилди.

Пресс-турнинг сўнгги манзили – Янги Сергели 24/7 туризм кўчаси бўлди.

2025–2026 йилларда Сўғдиёна, Жалойир ва Янги Сергели кўчаларида умумий узунлиги 3,4 километр бўлган 3 та туризм кўчаси ташкил этилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 47,8 миллиард сўмни ташкил қилди. Ушбу ҳудудларда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 209 тага, 24/7 режимида ишловчи субъектлар 62 тага етди. Қўшимча солиқ тушумлари 8 миллиард сўмни ташкил қилди. Яратилган янги иш ўринлари сони 852 тага, кунлик таширф буюрувчилар сони эса 11 500 нафарга етди. Лойиҳа доирасида 68 та енгил турдаги савдо дўкони ва 2 та ер усти фаввораси барпо этилди.

Бироқ бу масканнинг энг катта ютуғи – рақамларда эмас, одамларнинг кайфиятида намоён бўлди. Журналист ва блогерлар маҳалла аҳолиси ҳамда тадбиркорлар билан самимий суҳбат қуриб, яратилган имкониятлар уларнинг ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатётганини тинглашди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Сергели туманида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари юртимизнинг барча туманлари учун ибрат бўлишга арзыйди.



Бухорода янги саноат босқичи

Бухоро нафақат қадимий тарих ва маданий мероси, балки саноат ва инвестициялар учун ҳам тобора жозибадор ҳудудга айланмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган кент қўламли ислохотлар, инвесторлар учун яратилган қулай муҳит ва халқаро ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши натижа-сида дунёнинг етакчи компаниялари Бухорога катта қизиқиш билдирмоқда. Ана шундай ийрик ҳамкорлардан бири – Хитойнинг нефть-газ соҳасидаги нуфузли муҳандислик компанияси China Petroleum Engineering & Construction Corporation (CPECC) бўлди.

Ушбу компания Хитой Миллий Нефть Корпорацияси – CNPC таркибига кирази. 1980 йилда ташкил этилган CPECC қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида нефть-газ саноатида дунё миқёсидаги энг йирик муҳандислик-пудрат компанияларидан бири сифатида эътироф этилиб келмоқда. Компания халқаро рейтингларда мунтазам равишда энг йирик 225 та пудрат ташкилот каторида қайд этилади.

CPECC нефть ва газ соҳасида тўлиқ ишлаб чиқариш циклини қамраб оладиган хизматларни тақдим этади. Хусусан, ЕРС (лойиҳалаш, ускуналарни етказиб бериш ва қурилиш) модели асосида йирик саноат объектларини барпо этиш, муҳандислик консалтинг, технологик қурилиш-монтаж ишлари, замонавий ускуналар ишлаб чиқариш, объектларни эксплуатация қилиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда фаолият юритади.

Компания ўн йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистон энергетика соҳасида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида у мамлакатнинг энг муҳим энергетика лойиҳаларида иштирок этиб, икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди.

Жумладан, CPECC "Ўзбекнефтьгаз" АЖ билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи-ни модернизация қилиш, Кандим газ кони учун умумий узунлиги 410 километрлик магистрал газ қувурини барпо этиш, 53 та қудуқ

пункти ҳамда 24 та комплекс технологик станцияда газ йиғиш инфратузилмасини қуриш, Бухоро вилоятидаги газ-конденсат конларининг ер усти иншоотларини барпо этиш, шунингдек, "Марказий Осиё – Хитой" магистрал газ қувурининг Ўзбекистон ҳудудидаги компрессор станциялари ва ёрдамчи объектларини қуриш каби стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширди.

Эндиликда компания фаолияти яна бир муҳим босқичга чиқмоқда. CPECC "Бухоро саноатни ривожлантириш комплекси" махсус саноат парк ҳудудида нефтни қайта ишлаш заводалари ва нефть-кимё мажмуаларини модернизация қилишда қўллангилдиган замонавий технологик ускуналарни йиғиш бўйича янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни режалаштирмоқда. Бу эса нафақат импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш, балки юқори қўшилган қиймат яратиш, янги иш ўринлари очиш ва маҳаллий саноат салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур истиқболли лойиҳа юзасидан Бухоро вилояти ҳоқими Ботир Зарипов ҳамда компаниянинг Ўзбекистондаги координатори Fang Zi You ўртасида музокаралар ўтказилди. Учрашувда лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий, техник ва инвестициявий жиҳатлари атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида вилоят раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган очик ва прагматик иқтисодий сисёат туфайли Бухорода маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар учун барқарор ҳамда ишончли бизнес муҳити шаклланиганини таъкидлади. Шунингдек, махсус саноат парк-ида инвесторларга тақдим этилаётган солиқ ва боғжона имтиёзлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда қулай инфратузилма ҳақида батафсил маълумот бериб, ушбу лойиҳа-ни амалга оширишда ҳар томонлама амалий қўмак кўрсатилишини билдирди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Зариф Комилов.

Томонлар музокараларни изчил давом эттириш, техник-иқтисодий ҳужжатларни тайёрлаш ва лойиҳани амалий босқичга олиб чиқиш юзасидан келишувга эришди.

Чинозда 20 та уй тубдан янгиланмоқда

Бугунги кунда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини барқарор иссиқлик таъминоти билан таъминлаш ҳамда кўп қаватли уй-жойларнинг энергия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шахноза МАМАТУРОВА,
журналист.

Шу мақсадда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, эски турар жой фондларини модернизация қилиш ва замонавий энергия тежамкор технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 11 мартдаги ПҚ–100-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 майдаги 300-сонли қарори ижроси доирасида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида 20 та кўп қаватли уйда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Қиймати 77,1 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа натижасида бинолар замонавий иссиқлик изоляцияси, қуёш панеллари, иссиқлик насослари ҳамда бошқа энергия тежовчи технологиялар билан жиҳозланиб, аҳоли учун янада қулай ва барқарор яшаш шароити яратилади.

Бугунги кунда дастурга мувофиқ, уйлар босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда. Уларда фасадларни базальт материаллари билан қоплаш, томларни иссиқлик изоляцияси билан таъминлаш, ертўлаларни изоляция қилиш, иссиқлик насослари ва қуёш панелларини ўрнатиш, ички муҳандислик тармоқларини янгилаш ҳамда энергия тежовчи усуналарни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар натижасида қиш фаслида иссиқлик йўқотилиши сезиларли даражада камайиши, биноларнинг хизмат муддати узайиши ҳамда аҳолининг коммунал харажатлари қисқариши кутилмоқда.

Курилиш ишлари тендер асосида ташкил этилган бўлиб, лойиҳанинг буюртмачиси – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги давлат муассасаси ҳисобланади. Хорижий экспертлар ва консалтинг компаниялари иштирокида ишлаб чиқил-

ган лойиҳалар асосида 20 та уй 7 та ҳудудга ажратилди ва очиқ тендер натижаларига кўра қурилиш ишлари учта пудратчи ташкилотга бириктирилди.

Хусусан, Алишер Навоий номли маҳалладаги 21 ва 22-сонли уйларда "Jemchug House" МЧЖ томонидан 14 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ертўлаларни изоляция қилиш ва фасадларни базальт материалари билан қоплаш ишлари давом этмоқда. Объектда 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. 51- ва 51-“А” уйларда эса ушбу компания томонидан 5,2 миллиард сўмлик ишлар олиб борилмоқда. 14 нафар ишчи томонидан том ва фасадларни таъмирлаш, ертўлаларни изоляция қилиш ҳамда хонадонларга энергия тежамкор АКФА ромларини ўрнатиш ишлари амалга ошириляпти.

Ҳўжа маҳалласидаги 1- ва 2-сонли уйларда "RIZO" МЧЖ 8,3 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилмоқда. Бу ерда ертўлалар изоляция қилиниб, фасадларни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Объектга 12 нафар ишчи жалб қилинган. Пахтабод маҳалласидаги 3-, 8-, 9-, 15- ва 16-сонли уйларда "Jemchug House" МЧЖ томонидан 18 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ертўлалар изоляция қилиниб, том ва фасадларни таъмирлаш ишлари жадал сурыатларда давом этмоқда. Бу ҳудудда 40 нафар ишчи меҳнат қиялпти. Шунингдек, ушбу маҳалладаги 1-7- ва 46-сонли уйларда "Nurafshon Mega Construction" МЧЖ 7 миллиард сўмлик лойиҳани амалга оширмоқда. 27 нафар ишчи ертўла изоляцияси, томларни таъмирлаш, ички муҳандислик тармоқларини янгилаш ҳамда фасад ишларини амалга оширмоқда.

Гулзарабод маҳалласидаги 1-, 2- ва 3-сонли уйларда эса "RIZO" МЧЖ 14,6 миллиард сўмлик қурилиш ишларини бажармоқда. Ертўлалар, томлар ва фасадларни реконструкция қи-

лиш ишларига 35 нафар ишчи жалб қилинган. Соҳибкор маҳалласидаги 2-, 3-, 4- ва 5-сонли уйларда эса "Nurafshon Mega Construction" МЧЖ томонидан 10 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ертўлаларни изоляция қилиш ва фасадларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа натижасида кўп қаватли уйларда иссиқлик йўқотилиши сезиларли даражада камаяди, электр ва табиий газ сарфи қисқаради, аҳолининг коммунал харажатлари тежалади. Энг муҳими, фуқаролар учун қулай ва замонавий яшаш муҳити яратилади.

– Лойиҳанинг асосий мақсади – кўп қаватли уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш, аҳолини барқарор иссиқлик билан таъминлаш ва коммунал харажатларни камайтиришдан иборат, – деди Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мирҳаким Қўзиев. – Лойиҳа доирасида фасадлар базальт билан қопланиб, том ва ертўлалар изоляция қилиняпти. Иссиқлик насослари, қуёш панеллари ва энергиятежамкор усуналар ўрнатилмоқда. Қурилиш ишлари очиқ тендер асосида танланган пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барча 7 та ҳудудда қурилиш ишлари режа асосида давом этмоқда. Айрим объектларда ертўла изоляцияси яқунланиб, фасад ва том қисмларида ишлар олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Чиноз туманида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа мамлакатимизда энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда "яшил иқтисодиёт" тамоилларини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан бири сифатида эътиборга лойиқ.



▲ Чиноз туманидаги кўп қаватли уйлар янги қиёфага кирмоқда.

Сифатсиз иш – келтирар ташвиш

▼ Яккабўғ тумани "Хиёбон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қизилдарё кўприги.



Қашқадарё вилоятининг бошқа туманлари қаторида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Яккабўғ туманида ҳам кенг қўламда давом этмоқда. Хусусан, "Хиёбон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи Қизилдарё кўпригини қайта қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ушбу кўприк кўп йиллардан буён фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб бўлгани учун одамлар ва техника воситаларининг ўтиб-қайтишига қийдий ҳавф туздираётган эди. Бу масала юзасидан маҳалла фаоллари бир неча бор турли ташкилотларга мурожаат қилишган бўлса-да, иш негадир натижасиз қолаётганди.

– Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли ва техника воситаларининг ўтиб-қайтишига хавф туздираётган кўприкни янгилаш бўйича вилоят раҳбари ҳамда мутасаддиларга таклиф киритилди, – деди Яккабўғ туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Элбек Бекнаев. – Шундан сўнг, салкам тўрт йил аввал объектни шаҳарсозлик талабларига мос равишда қуриш, келгусида аҳоли ҳамда транспорт воситалари қатнови учун хавфсиз хизмат кўрсатишини таъминлаш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, ишга киришилди.

Вақт кўтиб турмас экан, орадан кўп ўтмай янги кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аммо хиёбонликларнинг қувончи узокқа чўзилмади. Қурилганига хали тўрт йил бўлмаган кўприк жорий йилнинг баҳорида сел сувлари таъсирида чўкиб кетди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида ўтказилган йиғилишда солиқ қарздорликларини ундириш ва ноқонуний қурилмаларни бузиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, шу турдаги ижро ҳужжатлари сонини камайтириш, амалда ижросини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ноқонуний қурилмалар бартараф этилмоқда



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

Таъкидланганидек, Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилмаларни бузишга оид ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судининг 2025 йил 21 апрелдаги ижро варақасига асосан, Чимбой тумани, "Ор жап" МФЙ ҳудуди ер майдонда ўзбошимчалик билан қурилган 62 квадрат метр ўлчамдаги молхонани жавобгар Б.Жнинг ҳисобидан мажбурий буздириш ва ер майдонини яроқли ҳолатга келтириш белгиланган.

Ушбу ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси Чимбой тумани бўлими иш юритувига келиб тушиб, бўлим давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларига киришилди. Жумладан, бўлим давлат ижросини томонидан жавобгарга ноқонуний қурилмани ўз ҳисобидан бузиши лозимлиги, уни бажармаслик оқибатлари ҳақида тушунириш ва оғохлантириш берилган. Натижада, жорий йилнинг 24 июнь кўни жавобгар томонидан ноқонуний қурилма ихтиёрий равишда бузилиб, суд қарори ижроси амалда таъминланди.



Самарқанднинг янги сайёҳлик манзиллари

Бир пайтлар сархил мева-сабзавотлари, миришкор деҳқон ва боғбонлари билан тилга тушган Самарқанд тумани бугун бетакрор сайёҳлик манзиллари орқали ҳам урдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар эътиборини тортмоқда.

Туманнинг тоғ бағрида жойлашган Оҳалик, Окбўйро, Миронқул маҳаллалари, бир неча асрлик ҳунармандлик анъаналарини асраб келаётган ва шу туфайли юртимизда биринчи туризм қишлоғи мақоми берилган Кониғил қишлоғи, тарихий обида ва муқаддас қадамжолари билан машҳур Ҳўжа Ахрори Валий мажмуаси айни чоғда Самарқанднинг муҳим сайёҳлик нуқталари ҳисобланади. Айниқса, гўзал манзараси ва мусавфо табиати билан йилнинг тўрт фаслида ҳам кишиларни ўзига ром этувчи тоғли ҳудудларда бутун сайёҳлик асосий драйверга айланиб, янги объектлар, дам олиш масканлари ташкил этилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2024 йилнинг 6 февралда қабул қилинган "Оҳалик – Окбўйро – Миронқул" туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори тарихий аҳамиятга эга бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

– Мазкур қарор билан Оҳалик, Окбўйро ва Миронқул маҳаллаларидаги 5 минг гектар тоғли ва тоғли ҳудудларни ўз ичига олган "Оҳалик – Окбўйро – Миронқул" туристик-рекреацион зонаси ташкил этилди, – деди Самарқанд тумани ҳокими Сирожиiddин Усмонов.

– Ҳозирда мазкур ҳудудда 170 га яқин кичик ва 50 дан ортққ йирик дам олиш масканлари мавжуд бўлиб, маълумотларга кўра, баҳор ва ёз ойларида 1,1 миллиондан ортққ маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар келган. Айни пайтда рекреацион зонасидаги 350 гектар ер майдони бўйича мастер-режа ишлаб чиқилган ва 85 та ер майдони Е-АУКСИОН савдоларига қўйилган. Уч маҳаллада этнотуризм, экотуризм, агротуризм ва экстремал туризмин ташкил этиш мақсадида 185 та лойиҳани ишга тушириб, туристлар сонини 2,7 миллион нафарга етказиш режалаштирилган. Ҳудуддаги 8 та туризм лойиҳаси инфратузилмасини ривожлантириш учун республика бюджетидан 34,1 миллиард сўм маблаг ажратилмоқда. Бу сайёҳлик манзиллари ва дам олиш масканларига борадиган йўлларни таъмирлаш ва кенгайтириш, сув, электр тармоқлари тортиш, интернет алоқасини йўлга қўйишга йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида қўшимча 15 та туристик объект ташкил этилади.

Йил якунига қадар 2700 ўринга мўлжалланган 9 та меҳмонхона, 36 та хостел, 96 та оилавий меҳмон уйи очилади ва жойлаштириш воситалари 974 тага, ўринлар сони 24 700 га етказилади. Шунингдек, 18 та овқатланиш маскани, 40 та савдо нуқтаси фаолият бошлади. Ҳудудда ҳаво шарлари, парашан, осма дор йўли сингари замонавий туристик хизматлар йўлга қўйилади. Натижада 10,2 миллиард сўм қўшимча солиқ тушуми таъминланади. Умуман, 2026-2027 йилларда туристик-рекреацион зонада 250 дан ортққ янги лойиҳа ишга тушириб, туризмин ривожлантириш орқали 2000 дан кўпроқ иш ўринлари яратилади, аҳоли даромади кўпайтирилади ва бюджетга 67 миллиард сўм қўшимча маблаг тушишига эришилади.

Яқинда туристик-рекреацион зонадаги Окбўйро маҳалласида "Zafra Resort" дам олиш маскани лойиҳасининг биринчи босқичи яқунланиб, фойдаланишга топширилди. 7 гектар майдондаги мажмуа замонавий меҳмонхона ва дам олиш хизматларини ўзида мужассам этган

бўлиб, кейинги босқичлари яқунлангач, йилига 300 минг нафаргача меҳмонга хизмат кўрсатади.

Айни пайтда ободонлаштириш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган Миронқул маҳалласидаги "EDELVEYS" дам олиш маскани эса йилига 420 минг сайёҳга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, бу ерда нафақат дам олиш, балки саломатликни ҳам тиклаш мумкин.

– Мазкур лойиҳа 50 гектар майдонни ўз ичига олади ва дастлабки босқичда 34 гектар майдонда қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, – деди "Оҳалик-Окбўйро-Миронқул" туристик-рекреацион зонаси раҳбари Фаридун Ҳотамов ўЗА мухбири Голиб Ҳасановга. – Бу ерда иккита қатта меҳмонхона, эллиқдан ортққ дам олиш масканлари ёзги ва кишки чўмилиш ҳавзалари ташкил этилди. Меҳмонхоналар санаторий типлида бўлиб, нафас йўллари касалликларини даволаш учун зарур жиҳоз ва усуналар ўрнатилмоқда. Муҳими, дам олиш маскани ва унинг атрофида шу пайтгача 73 мингдан ортққ манзарали дарахт қўчталари экилди, арчазорлар ташкил этилди ва бу иш давом эттирилиб, ҳар йили 10 минг туп Қрим қарағайи ўтказилмоқда. Шу ойнинг якунига қадар очилиши кутилаётган масканда дастлаб 200 дан ортққ лойиҳа тўла ишга тушгач, 800 га яқин янги иш ўрни яратилади. Янги дам олиш маскани ташкил этилиши билан Миронқул маҳалласи ва бу ердаги бошқа сайёҳлик манзиллари инфратузилмаси ҳам янгиланди. Жумладан, 5,5 километр масофада асфальт ётқизилиб, пиедалар йўлаклари ташкил этилди, шунча масофада тунги ёритиш чиқроқлари ўрнатилди. Иккита кўприк таъмирланди. Сайёҳлик зонасида биринчи босқичда амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар шу йилнинг август ойида тўлиқ ишга тушади ва сўнгра иккинчи босқичга киришамиз. Миронқул, Миронқул ва Окбўйро маҳаллаларини боғловчи дор йўли қурилиши, парашанда учиш ва зиплайн ташкил этиш иккинчи босқичнинг энг қатта ва асосий лойиҳалари ҳисобланади. Шунингдек, ёшлар учун фаол туризм йўналишларини ривожлантириш мақсадида қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган квадратик, отда сайр қилиш, камондан ўқузиш хизматларини ташкил этиш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 июнда қабул қилинган "Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорида "Оҳалик-Окбўйро-Миронқул" туристик-рекреацион зонаси дирекциясига ўтказиш белгиланди. Миронқул маҳалласидаги тоғ бағрида жойлашган, жами 28 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳларнинг дирекцияга берилиши ҳудудда янги дам олиш масканлари ташкил этиш ва туризмин ривожлантиришга хизмат қилиши табиий.

Бугунги кунда Самарқанд туманидаги Кониғил ва Окбўйро маҳаллалари туризм қишлоғи мақомига эришган бўлиб, мазкур ҳудудларда сайёҳлик жадал ривожланмоқда. Мазкур тармоқда банд бўлган аҳоли сони ошиб бораётгир. Келгусида Оҳалик, Миронқул ҳамда Жўйи Аббос маҳаллаларига ҳам туризм қишлоғи мақоми берилиши учун мазкур ҳудудларнинг ўзига ҳо тарихий қурилиш, анъана ва қадриятлари сақланган ҳолда зарур инфратузилма яратилимоқда.



▼ Меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев
ва у лойиҳасини яратган иншоотлар.



Улкан тажрибага эга устоз

Архитектура ва қурилиш соҳаси
Фахрийлар кенгаши аъзоси
Абдуқаҳҳор Турдиев 1950 йил
20 декабрда Тошкент шаҳрида
туғилган. 1976 йил Тошкент
политехника институтининг
архитектура мутахассислиги
бўйича ўқишни тамомлаб, ўз
иш фаолиятини “Ўзгоспроект”
лойиҳа илмий-тадқиқот
институтида техник сифатида
бошлаган.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар
кенгаши раиси ердამчиси.

Шундан сўнг, кўп йиллар давомида
В.П. Чкалов номи авиация заводининг 48-сон-
ли цехида 1-разрядли бўёкчи, “Ўзгоспроект”
лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти техни-
ги, “ЎзНИИП – градостроительства” лойиҳалаш
илмий-тадқиқот институти катта архитектори,
“СредазНИИТАТ” Меъморчилик ва шаҳарсозлик
теорисини илмий-тадқиқот институтининг уста-
хона раҳбари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
архитектура бош бошқармаси лойиҳа устахона-
си раҳбари, “Ўстазода” Халқ санъати корхонаси-

нинг бош меъмори, “Архитектура ва дизайн про-
ект” шўъба корхонаси лойиҳалар бош меъмори
сифатида самарали меҳнат қилган.

Абдуқаҳҳор Турдиев 2017 йилдан ҳозирга
қадар “Karat Project” МЧЖнинг лойиҳалар бош
меъмори лавозимида ишлаб келмоқда.

Архитектура ва қурилиш соҳасида кўп йил-
лик раҳбар, тажрибали муҳандис ва садоқатли
устоз Абдуқаҳҳор Турдиев қарийб ярим асрдан
зиёд меҳнат фаолияти давомида оддий ишчи
лавозимидан йирик лойиҳа-қурилиш таши-
лотининг бош меъмори лавозимиғача бўлган
шарафли йўлни босиб ўтди. 57 йиллик меҳнат
фаолияти давомида халоллиги, меҳнатсевар-
лиги ва масъулияти билан жамоадошларига
намуна, атрофдагиларга самимий муносабати,
касбига сидқидилдан муносабати билан ҳам-
касблари ва шогирдларига ибрат кўрсатиб кел-
моқда.

Касбий фаолияти давомида Тошкент шаҳри-
даги “Темурийлар даври” давлат музейи биноси,
Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги Имом
Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Фарғона ви-
лояти Кува туманидаги Ал-Фарғоний ёдгорлик
мажмуаси, Тошкент шаҳридаги “Сайилгоҳ” ҳу-
дудини ободонлаштириш ва Юнусобод тумани-
даги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуа-
си қурилиши, “Ҳазрати Имом” мажмуасидаги
иншоотларни реконструкция қилиш ва жоме
масжидини лойиҳалаш, Ўрганч шаҳридаги
“Ёшлар маркази”, Фарғона шаҳридаги “Нефтчи”
спорт мажмуасини реконструкция қилиш, Тош-
кент шаҳридаги “Минор” жоме масжиди каби
йирик лойиҳаларни амалга оширишга катта

ҳисса қўшган. Шунингдек, устоз архитектор Че-
ченистон Республикасининг Шали шаҳрида
жойлашган Муҳаммад (САВ) номидаги масжид
лойиҳаси танловида қатнашиб, ғолиб бўлган.
Масжиднинг бош меъмори сифатида қурилиш
ишларида ҳам иштирок этди.

“Karat Project” МЧЖдаги фаолияти давомида
ҳам у кўплаб йирик лойиҳаларга бош-қош бўл-
ди. Жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ту-
манидаги “Сузуқ ота” мажмуасининг қурилиши,
Чилонзор туманидаги Муҳаммад Содиқ Муҳам-
мад Юсуф номли масжид реконструкцияси,
Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази,
Сурхондарё вилояти Термиз туманида ижти-
моий ва маданий объектлар билан 1000 ўринли
масжид қурилиши лойиҳа эскизи ишларида
фаол иштирок этди.

Устоз архитекторнинг меҳнатлари давла-
тимиз томонидан муносиб тақдирланган. 2018
йилда “Дўстлик” орденига муносиб қўрилган.
2022 йилда Татаристон Республикаси Президен-
тининг ташаккурномаси билан тақдирланган.
2023 йилда “Турон” фанлар академияси акаде-
миги илмий унвонига сазовар бўлган.

А. Турдиев “Устоз-шогирд” анъанасига амал
қилган ҳолда, бутун юртимиз қурилиш ва бун-
ёдкорлик соҳасида фаолият юритаётган юзлаб
ёшларга касб сирларини ўргатиб келмоқда.
Устоз учун лойиҳаланган биноларгига эмас, у
тарбиялаган кадрлар ҳам катта бойлик ҳисобла-
нади. Шу боис, кўплаб ёш мутахассисларга касб
сирларини, ҳалол меҳнат ва масъулият қадрини
ўргатишдан чарчамайди. Биз ҳам устозга узоқ
умр ва саломатлик тилаймиз.

Пиёдалар учун янги хавфсизлик тизими синов тариқасида ишга тушди

Тошкент шаҳар Йўл ҳаракатини
ташқил этиш маркази (ЙҲТЭМ)
томонидан Мирзо Улуғбек
туманидаги Осиё кўчасида янги
турдаги фаол йўл белгилари
билан уйғунлаштирилган
RRFB (Rectangular Rapid
Flashing Beacon) технологияси
– юқори интенсивликдаги
огоҳлантирувчи маёқлар тизими
синов тариқасида жорий этилди.

Райҳона ХҲҲАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мазкур тизим ҳайдовчи пиёдалар ўтиш жо-
йини қайси йўлакдан ёки қайси йўналишдан
ҳаракатланишидан қатъи назар, узоқдан аниқ
кўра олиши учун ишлаб чиқилган. Ушбу ечим
асосан ҳаракат оқими паст ва ўртача бўлган кў-
чаларга мўлжалланган.

Огоҳлантирувчи сигнал чироклари йўл чет-
ларида, кўчанинг марказий қисмида ҳамда
қатнов қисми устидаги баланд конструкцияда
жойлаштирилган. Яъни, улар магистрал све-
тофорлар ўрнатиладиган услубга яқин тарзда
ўрнатилган. Йўлнинг икки томонида қакирув

туғмалари мавжуд таянч устунлар ўрнатилган.
Пиёда туғмани босиши билан ушбу устунлар-
нинг юқори қисмидаги ёрқин сариқ сигнал чи-
роқлари дарҳол ишга тушади.

Бундан ташқари, “Пиёдалар ўтиш жойи” бел-
гиси ҳам ёруғлик берувчи махсус қўти кўрини-
шида тайёрланган. Бу, айниқса, тунги вақтда
ўтиш жойининг узоқ масофадан ахши кўрини-
шини таъминлайди.

ЙҲТЭМ маълумотиға кўра, RRFB тизими ҳай-
довчиларнинг пиёдаларга нисбатан ҳаракати-
ни сезиларли даражада ўзгартиради. Хусусан,
АҚШ Федерал автомобиль йўллари бошқармаси
(FHWA) тадқиқотларига кўра, тартибга солин-
маган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар-
нинг йўл бериш кўрсаткичи одагта 18-30 фоиз-
ни ташқил этса, RRFB тизими ўрнатилганидан
кейин бу кўрсаткич 98 фоизгача етиши мумкин.
Яъни, ҳайдовчилар деярли барча ҳолатларда
тезликни пасайтириб, пиёдаларга йўл бера-
ди. Реакция сезиларли даражада тезлашади:
ҳайдовчи ёрқин сигнал чақнашини олдиндан
кўради ва “зебра”га яқинлашмасдан анча аввал
тезликни босқичма-босқич пасайтира бошлай-
ди. Бу эса сўнгги лаҳзада кескин тормоз бериш
ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Бу Ўзбекистондаги йўл инфратузилмасида
RRFB ёндашувини пилот тартибда жорий этиш
бўйича илк лойиҳалардан бири ҳисобланади.
Тошкентда ушбу технология синов тариқасида
қўлланилиб, унинг пиёдалар хавфсизлигини
оширишдаги амалий самарадорлигини баҳо-
лаш имконини беради.



▲ Юқори интенсивликдаги огоҳлантирувчи
маёқлар тизими синов тариқасида жорий этилди.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томо-
нидан ташқил этиладиган очиқ танлов савдо-
ларига “Чилонзор буюм савдо комплек-
си” АЖнинг 2026 йил 7 июлдаги 456-сонли
бюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм
савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган
лойиҳалаштирилиб қурилиши режалашти-
риляётган ва мавжуд савдо шохобчалари-
нинг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг ассосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	35-22-сонли, умумий майdonи 40,0 м² бўлган савдо шохобчаси	247 200 000
2.	38-29-сонли, умумий майdonи 100,0 м² бўлган савдо шохобчаси	618 000 000
3.	1-21-1-сонли, умумий майdonи 8,00 м² бўлган савдо шохобчаси	49 400 000

Савдода иштирок этиш истагини билдир-
ган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома
чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кун-
лари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади
(13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни
қабул қилишнинг охириги мuddати: 2026 йил 7
август куни соат 16:00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 11
август куни соат 11:00 дан бошлаб кўриб чиқи-
лади. Энг юқори таклифни берган талабгор

билан сотувчи ўртасида келишув битими ту-
зилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақ-
дирда, тақририй савдолар 2026 йил 25 август,
8, 22 сентябрь, 7, 15, 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 11,
25 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11:00
дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар
ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ари-
за билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни
тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтка-
зилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаи;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспорт-
нинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг
30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги сум-
мани закалат сифатида “Zamonaviy realtor
xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига
савдода иштирок этиш учун ариза топшир-
гунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057
4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиа-
ли МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо
ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида
сотувчи билан ижара шартномаси тузиш маж-
бурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчисини жойлашган, савдо-
лар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш
учун аризалар қабул қилинадиган манзил:
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид
Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71-237-23-82.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида
ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Тошкент туманлараро
иктисодий судининг 2023 йил 27 мартдаги
4-1001-2213/70662-сонли иқтисодий иш қаро-
рига асосан тугатилётган “СОЛН УОЛ” МЧЖ
суд тугатиш бошқарувчиси томонидан ва 2026
йил 1 июлдаги 01-07/26-сонли бюртманоме-
масига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйил-
моқда:

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, Пасури-
хи маҳалласида жойлашган умумий ер майдо-
ни – 1000,00 квадрат метр, бинонинг қурилиш
ости майdonи – 335,08 квадрат метр, бино-
нинг фойдали майdonи – 279,67 квадрат метр
бўлган турар жой биноси, 1 қаватли, 7 хонадан
иборат, кадастр рақами: Ер 19:03:41:01:01:0242,
яшаш уйи: 19:03:41:01:01:00426, бостирма:
19:03:41:01:01:00425, болхона: 19:03:41:01:01:00427,
омборхона: 19:03:41:01:01:00428 кадастр рақам-
ларидан иборат бўлган бино ва иншоотлар.
Бошланғич баҳоси – 41 504 000 сўм.

Савдо ташкилотчисини жойлашган манзил:
Юқоридаги кўчмас мулклар аукцион сав-
доси 2026 йил 11 август куни online-mulk.uz
платформасида бўлиб ўтади. Аризаларни

рўйхатдан ўтказиш мuddати: 2026 йил 10 ав-
густ куни соат 18:00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 11 август
куни сотилмаган тақдирда, тақририй элек-
трон-онлайн савдолар 2026 йил 1 мартдаба 15
кун оралиғида ўтказилишини олдиндан маъл-
ум қиламиз. Тақририй савдо учун аризалар-
ни қабул қилишнинг охириги мuddати бир кун
олдин соат 18:00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан
бошлаб 5 (беш) банк иш кун ичида сотувчи би-
лан олди-сотиш шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоиз-
идан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини
“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйида-
ги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион
савдода рўйхатдан ўтиб тўлаш лозим: 2020
8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олма-
зор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчисини жойлашган манзил:
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид
Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71- 237-23-82.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 10 - 16 июль саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-
жой коммунал хўжалиги вазирлиги Рухсатно-
малар бюроси навбатчиси **Шахноза Ҳасанова**,
Ҳукумат топшириқлари ижросини таъмин-
лаш бўлими бош мутахассиси **Аббос Турсунов**,
Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва
қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши бош бух-
галтери **Абдикарим Салимов**,
“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот ин-
ститути” Давлат муассасаси бош директори-
нинг биринчи ўринбосари **Бекзод Пахрит-
динов**, Иш юритувчи **Шухрат Ҳайдуллаев**,
Ғарбий филиали лойиҳа бош муҳандислари
Баҳромжон Шукруллаев, **Нигина Камалова**,
“Ўзгирсаноятлоийиҳа” АЖ ЭТА бош мута-
хассислари **Михаил Ковраженков**, **Мақсуд
Маматов**, СМО бош мутахассиси **Галина Ка-
сымова**, ЭТА етакчи мутахассислари **Дмитрий
Моисеев**, **Нина Анапольская**, ГИТ архитекто-
ри **Хилола Джумаева**, ТО техниги **Сарваржон
Шопазлиев**,
“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қу-
рилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқар-
маси 3-устахонаси 1-тоифали муҳандиси
Исломиддин Акаров, Смета ва нархларни
шақллантириш бўлими муҳандиси **Иброҳим
Аҳмаджанов**, Хўжалик ва дастурий-техник
таъминоти бошқармаси фарроши **Малоҳат
Қобилова**, Самарқанд филиали директори
Фармон Қаршиев,

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли
тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжали-
ги бўлими бош архитектори **Саттар Тлеуов**, Қу-
рилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиқ
ўринбосари **Султанбек Сейдабдуллаев**, бош
мутахассиси **Аллаяр Оракбаев**, мутахассис
Азамат Адилбаев, Чимбой тумани қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи
Куандик Измагамбетов, Тўрткўл тумани қу-
рилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
бошлиғи **Динмуҳаммад Ҳамидхўжаев**,

Андижон вилояти Андижон шаҳар қури-
лиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи
мутахассиси **Азизбек Миррахмедов**, Кўп квар-
тирали уйларни бошқариш тизимини ри-
вожлантириш ва реновация лойиҳаларини

амалга ошириш шўъбаси бошлиғи **Адҳмжон
Сатторов**,
Қашқадарё вилояти Қарши тумани қури-
лиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими
архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош
мутахассиси **Мақсуд Фозилов**,

“Исқонлик таъминоти” АЖ Ижро нazo-
рати ҳамда жисмоний ва юридик шахслар
муружаатлари билан ишлаш бўлими етакчи
мутахассиси **Нодира Мирзахожиева**, Қури-
лиш дастурларини шақллантириш, бирламчи
ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда монито-
ринг қилиш бошқармаси етакчи мутахассиси
Бунёджон Ҳикматуллаев, Андижон вилояти
филиали ҳисобчиси **Дилдорахон Файзиева**,
Бухоро вилояти “Vuxrooenergomarkaz” АЖ
котибаси **Раъно Шарипова**, аппаратчи **Тул
Қараева**, Тошкент вилояти филиали Инсон
ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш
бўлими бошлиғи **Арофат Сидиқходжаева**,
ММ.ТХ ва ФВ бўйича муҳандис **Соҳибжон Рус-
тамов**, Зангиота тумани филиали катта назo-
ратчилар-ҳисобга олувчилар **Санда Рихсиева**,
Маъмура Тўлаганова, Янгйобозор тумани фи-
лиали назоратчи-ҳисобга олувчиси **Хадича
Динисламова**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш
инспекцияси Юридик таъминлаш бўлими
бошлиғи **Муҳаммаджон Мўминжонов**, Му ро-
жаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Мух-
лиса Мирходжаева**, Юридик таъминлаш бў-
лими бош юрисконсулты **Гулчехра Очилова**,
Муружаатлар билан ишлаш бўлими бош мута-
хассиси **Гулнора Мирджалилова**,

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Бухоро
коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори
Дилором Қудратова, Шофиркон туманидаги
“Фарход Фаррух омад” БСК МЧЖ бош директо-
ри **Фарход Халилов**, Тошкент вилояти Олма-
лик шаҳридаги “Big Skan As Plys” БСК МЧЖ бош
директори **Шарофат Абдуқодирова**, Тошкент
шаҳар Юнусобод туманидаги “Акбаробод иф-
тихори” БСК МЧЖ бош директори **Мирхосил
Муҳаммаджанов**, Яқкасарой туманидаги “Asg
Com Xizmat” БСК МЧЖ бош директори **Раъ-
но Мирқожаевларни** таваллуд куни билан чин
дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун обуна давом этмоқда!



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
**O'zbekiston
bunyodkori**
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов,
Озода Жўраева, Сирожиддин Ёшқувватов,
Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов,
Бобир Ёлмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари –
Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Ақмал Махкамов
Муасхих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт
уни МЧЖ томонидан нашрга тайёрланади.

**“Ўзбекистон бунёдкори”
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги,
“ЎЗАШҚЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ИМТ,
“Қишлоқ қурилиш индуст” ИК МЧЖ,
“ЎзгеоранметЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси:
90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г - 741.
1268 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлезмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-таъриб
акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.